

## Талабаларнинг истиқболли келажаги ўз қўлида

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор А.Салоҳиддинов билан институтнинг барча факультетларнинг 1-босқич иқтидорли талабалари иштирокида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида ҳар бир талабанинг ўз соҳасининг етук мутахассиси ва етакчиси бўлиши учун зарурий шартлар ва унга эришиш йўллари тўғрисида атрафлича фикр алмашилди. Ҳар томонлама етук мутахассис ўз соҳасининг чуқур эгаллаши ва хориж тиллардан бирини ўзлаштириш зарурияти мисоллар билан билан тушунтириб берилди. Етук мутахассис бўлиш учун эса албатта, бугундан бошлаб режали ишларни амалга ошириш кераклиги уқтирилди. Учрашувда шунингдек, USchool ва Oasis FES ўқув марказларининг раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Ўқув марказларидаги курсларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шартлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. USchool ўқув маркази раҳбари Фарход Шукуров томонидан уюштирилган лотореяда 3 нафар талаба ушбу ўқув марказида бепул бир ойлик курсида ўқиш имкониятини қўлга киритди. Иқтидорли талабалар халқаро лойиҳалар, грантлар ва инглиз тилини ўрганиш бўйича саволларга тўлиқ маълумотлар олишди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати